

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети ректори  
**Т. Тешабасев**



\_\_\_\_\_ 2025 й.

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Олий таълим фан ва инновациялар  
вазирлиги ҳузуридаги ОАК раиси  
**А.Т. Юсупов**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025 й.

**08.00.08. - «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ»**  
иختисослиги бўйича малакавий имтиҳон

**ДАСТУРИ**

**Тошкент – 2025**

## КИРИШ

Республикада бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш масалалари энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида чуқур иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли Қарори, “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислох қилишнинг илмий асосларини аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон - 2030 стратегиясида ёш тадқиқотчиларнинг улушини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш вазифалари белгилаб берилган<sup>1</sup>.

Шу сабабли, «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослигидан малакавий имтиҳони дастури тузишда юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиқилди. Дастур иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, бюджет ҳисоби, банк ҳисоби, бошқарув ҳисоби фанларининг назарий ва амалий жиҳатларига оид билимларини баҳолаш имконини беради.

Дастур 08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор таянч докторант ва мустақил изланувчилар томонидан малакавий имтиҳонлар топшириш учун мўлжалланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон - 2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони.

## **АСОСИЙ ҚИСМ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

### **Бизнес жараёнлари ва уларни ҳисобга олиш**

Бизнес жараёнларининг аҳамияти. Ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар. Бизнес жараёнларининг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг аҳамияти. Таъминот жараёнининг ҳисоби. Қиймат ўлчовининг моҳияти ва аҳамияти. Транспорт-тайёрлов харажатлари ҳақида тушунча ва уларни тақсимлаш усуллари. Ишлаб чиқариш жараёнининг ҳисоби. Калькуляция счётларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилаётган иш ва хизматлар таннаرخини аниқлашдаги ўрни. Ишлаб чиқариш жараёнида синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил этиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннаرخини аниқлаш. Сотиш (реализация) жараёнининг ҳисоби.

### **Хужжатлаштириш ва инвентаризация**

Хужжатлаштириш ҳақида тушунча. Бухгалтерия ҳисобида хужжатларнинг роли ва аҳамияти. Бухгалтерия хужжатларининг туркумланиши. Хужжатларнинг реквизитлари. Хужжатларга ёзувлар киритиш ва уларни расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар. Хўжалик муомалаларини дастлабки ва йиғма хужжатлаштириш тартиби. Хужжатларнинг айланишини ташкил этиш. Хужжатларни автоматлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклига боғлиқлиги. Инвентаризация тўғрисида тушунча, унинг аҳамияти ва турлари. 19-сонли “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ инвентаризация ўтказишни ташкил қилиш. Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши.

### **Бухгалтерия ҳисобининг регистрлари ва шакллари**

Ҳисоб регистрлари ва шакллари ҳақида тушунча. Уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги роли ва аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобининг шакллари, уларнинг моҳияти ва тарихий ривожланиши. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер, мемориал-ордер, Бош журнал шакллари. Бухгалтерия ҳисобининг информацион технологияларга асосланган ва соддалаштирилган шакллари аҳамияти ҳамда уларнинг юритилиши.

### **Бухгалтер касбига қўйиладиган талаблар**

Бухгалтерия ҳисоби бўйича жамоат ташкилотлари, уларнинг роли ва аҳамияти. Бухгалтерларни миллий сертификатлаш тизими. Бухгалтерларни халқаро сертификатлаш тизими.

### **Бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш**

Бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги

Қонуни ва унинг аҳамияти. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш шакллари. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий асослар. Ҳисоб сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти. Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш. Бухгалтерия ҳисобига раҳбарлик қилиш. Бухгалтерияда ишни ташкил қилиш. Бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг мажбурият ва ҳуқуқлари. Хўжалик субъектларида бош бухгалтернинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

### **Пул маблағлари ва валюта операциялари ҳисоби**

Пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобини ташкил этиш ҳамда унинг вазифалари. Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби. Банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счётини очиш ва улар бўйича операциялар ҳисобини юритиш.

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва пасивлар ҳисоби. Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари. Курс фарқларини тан олиш.

Банкдаги аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар бўйича муомалаларни акс эттириш. Пул эквиваленти, йўлдаги пул маблағлари счёти.

### **Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш**

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини ташкил этиш ҳамда унинг вазифалари. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Корхонанинг шахсий таркиби, меҳнатга ҳақ тўлашни тизимлари, шакллари ва турлари. Меҳнат ва иш ҳақини дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда умумлаштириш.

Жисмоний шахслар жами даромадлари таркиби. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар ҳисоби. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини ҳисоблаш ва тўлаш. Меҳнат таътили резервлари ва тўловлари ҳисоби. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар ҳисоби.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очилиши ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадаллар ҳисоби.

### **Товар-моддий захиралар ҳисоби**

Товар-моддий захиралар (ТМЗ)нинг хўжалик субъектлари фаолиятида тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. ТМЗларни туркумлаш ва баҳолаш. ТМЗларни қирим қилиш йўллари ва улар ҳаракатини ҳужжатлаштириш. ТМЗларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш. ТМЗларни доналаб баҳолаш, ўртача баҳода, FIFO ва бошқа усулларда баҳолаб сарфлашни ҳисобда акс эттириш. ТМЗлар соф сотиш қиймати. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш ва инвентаризациядан ўтказиш.

Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлари ҳисобининг хусусиятлари. Қайта ишлашга берилган хом ашё бўйича операцияларни ҳисобда акс эттириш тартиби. Идишлар ҳисобининг хусусиятлари.

### **Инвестициялар ҳисоби**

Иктисодиётни модернизациялаштириш шароитида инвестицияларнинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари. Инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш. Инвестицияларни туркумлаш. Қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш муомалаларини ҳисобда акс эттириш. Инвестицияларни сотиб олишдан ва фойдаланишда молиявий натижаларни олдиндан ҳамда кейин аниқлаш ҳисоби. Бир акцияга тўғри келадиган фойда. Инвестицияларда қатнашиш усуллари. Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар.

### **Асосий воситалар ҳисоби**

Асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ҳамда унинг вазифалари. Асосий воситаларни туркумлаш. Актив тан олинганида уни баҳолаш. Асосий воситаларни хўжалик субъекти балансига кирим қилиш йўллари. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари. Асосий воситаларни таъмирлаш операцияларини ҳисобга олиш. Асосий воситаларни қайта баҳолаш муомалаларини ҳисобда акс эттириш. Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби.

Ижара муносабатларини тартибга солиш. Ижара муомалаларининг объекти, предмети ва субъектлари. Асосий воситаларни ижарага олиш ва ижарага бериш ҳисоби.

### **Номоддий активлар ҳисоби**

Номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш. Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш. Номоддий активларни кирим қилиш ва ҳаракатини ҳужжатлаштириш. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва усуллари. Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш тартиби. Бизнес бирлашувининг қисми сифатида сотиб олиш. Гудвилл ҳисобининг хусусиятлари.

### **Тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш**

Тайёр маҳсулот ҳақида тушунча ва унинг туркумланиши. Тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни баҳолаш. Тайёр маҳсулот (товар)ларнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби. Тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар сотилишини ҳужжатлаштириш. Тайёр маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни турли шартлар билан реализация қилишни ҳисобда акс эттириш. Консигнация муомалаларини ҳисобда акс эттириш. Тайёр маҳсулот (товар)лар қайтишини ҳисобга олиш.

### **Хусусий капитал ҳисоби**

Хусусий капитал ҳисобини ташкил этиш ва унинг вазифалари. Хусусий капитал таркиби. Турли мулкчилик шаклларида устав капиталини шакллантириш ва унинг ўзгаришини ҳисобга олиш. Қўшилган капитал ҳисоби.

Резерв капиталини шакллантириш ва ишлатишни ҳисобга олиш. Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби. Мақсадли тушумлар ҳисоби. Келгуси

харажатлар ва тўловлар резервини ташкил қилиш ҳамда фойдаланиш ҳисоби.

### **Молиявий натижалар ҳисоби**

Молиявий натижалар кўрсаткичлари. Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ҳисоби. Даромадларни тан олиш ва баҳолаш. Асосий фаолиятининг бошқа даромадларини ҳисобга олиш. Давр харажатлари таркиби ва ҳисоби. Молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатларни ҳисобда акс эттириш. Фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби. Солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлаш ва солиққа тортиш. Соф фойда ва унинг ишлатилишини ҳисобда акс эттириш.

### **Ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш**

Молиявий ҳисобот ва унинг таркиби. Молиявий ҳисоботни тузишга тайёргарлик кўриш тартиби (инвентаризация). Молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланувчилар. Оралик молиявий ҳисоботлар.

Бухгалтерия баланси ва уни тузиш тартиби. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва уни тузиш усуллари. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар, иловалар ва изоҳлар.

Солиқ ва статистик ҳисоботлар таркиби. Молиявий ҳисобот маълумотлари ва унга аудиторларнинг хулосасини зарурийлиги.

### **Бошқарув ҳисобининг предмети ва усуллари**

Бошқарув ҳисобининг моҳияти. Бошқарув ҳисобининг вазифалари. Бошқарув ҳисобининг предмети, объектлари ва методи. Бошқарув ҳисобининг функциялари, тамойиллари, тизими ва таркибий қисмлари.

### **Бошқарув ҳисобининг бошқа ҳисоб турлари билан боғлиқлиги ва фарқлари**

Бошқарув ҳисобининг бошқа ҳисоб турлари билан ўзаро боғлиқлиги. Бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг хусусиятлари. Бошқарув ва молиявий ҳисобларнинг фарқлари.

### **Харажатларни туркумлаш ва уларнинг ҳисоби**

Харажатлар ҳақида тушунча. Харажатларнинг туркумланиши. Технологик жараёнга қараб ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил қилиш.

### **Мехнат харажатлари ҳисоби**

Ишчи кучи харажатларини ҳисоблаш. Иш ҳақини тўлашга харажатларни таҳлил қилиш. Мехнатга ҳақ тўлаш шакллари. Ишчи кучи кўнимсизлиги ва мехнат унумдорлиги.

### **Устама харажатлар ҳисоби**

Устама харажатларни тақсимлаш зарурати. Устама харажатларни тақсимлашнинг ягона (умумзапод) ва алоҳида (цех) ставкалари. Устама харажатларни тақсимлашнинг режа ставкасидан фойдаланиш. Устама харажатларни тақсимлашнинг тўғри (бевосита) усули.

### **Буюртмали калькуляция қилиш усули**

Буюртмалар бўйича калькуляциялашга асосий ёндашув. Ҳақиқий ва меъёрий калькуляциялаш. Тугалланмаган контрактлар бўйича фойдани аниқлаш. Тугалланган контракт бўйича тушунтириладиган фойда. Оралиқ фойдани ҳисоблаш.

### **Жараёдли калькуляция қилиш усули**

Жараёдли калькуляцияга тавсиф бериш. Эквивалент бирликларни ҳисоблаш. Бошқа жараёнга беришни (тайёр маҳсулотни) ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш.

### **Комплекс ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш**

Комплекс ёки қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари. Харажатларни тақсимлаш усуллари. Соф сотиш қиймати усули. Ялпи фойда доимий улуши усули. Қўшимча маҳсулот ҳисоби.

### **Бошқарув ҳисобида “Харажатлар-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда” кўрсаткичлари**

Харажатларнинг ўзгариши ва уларни бошқариш. Ишлаб чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш қуввати). “Харажатлар-ишлаб чиқариш ҳажми-фойда” иқтисодий модели.

### **Бошқарув ҳисобида асосий кўрсаткичларни режалаштириш ва бошқариш**

Кўрсаткичларни режалаштириш босқичлари. Сметаларни тузиш даврлари ва босқичлари. Смета турлари. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти турлари бўйича сметаларни шакллантириш. Сметаларни умумлаштириш, бажарилишини назорат қилиш ва уни бошқариш.

### **Бошқарув ҳисобида тафовут ва оғишишлар таҳлили**

Бюджет тафовутларини аниқлаш. Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий кўрсаткичларнинг режалаштирилган миқдори ва ундан оғишишларни

такқослаш.Тафовут ва оғишишлар ҳисоби - харажарларни назорат қилишдаги муҳим восита. Тафовут ва оғишишларни ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили.

### **Қисқа муддатли бошқарув қарорларини қабул қилиш**

Бошқарув қарорларини қабул қилиш моделлари. Алтернатив харажатлар. Релевант тушунчаси. Бошқарув қарорларини қабул қилишда релевантли ёндашув.

### **Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг ривожланиш йўналишлари**

Бухгалтерия ҳисобининг Республикамизда ривожланиш йўналишлари: бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобига ажратиш, бошқарув ҳисобини тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш, бошқарув учун зарур бўлган маълумотларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш ва таҳлил қилиш, тармоқ хусусиятини ҳар томонлама ўрганиш асосида – харажатларни вужудга келиш марказлари ва маъсулият марказларини шакллантириш, бошқарув ҳисобини қулай ташкил қилиш мақсадида харажатларни корхона бўйича унинг бўлимлари, вужудга келиш марказлари, маъсулият марказлари бўйича гуруҳлаш.

### **Халқаро молиявий ҳисобот стандартларининг мазмуни ва аҳамияти**

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари. МХХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”. БХХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

### **Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ асосий воситаларни ҳисобга олиш**

“Асосий воситалар” БХХС (IAS) 16 нинг мақсади, мазмуни ва асосий коидалари. БХХС (IAS) 17 “Ижара” тадбиркорлик субъектидан ижарага олинган асосий восита объектининг у билан боғлиқ бўлган рисклар ва муқофотлар. БХХС (IAS) 40 “Инвестицион мулк” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МХХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

**Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ  
номоддий активларни ҳисобга олиш**

БҲХС (IAS) 38 “Номоддий активлар” стандартининг мақсади, мазмуни ва қўлланилиши. МҲХС талабаларига мувофиқ асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича вазифалар ва намунавий вазифтлар. МҲХС (IFRS) 13 “Ҳаққоний кийматни баҳолаш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

**Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ товар-  
моддий захираларни ҳисобга олиш**

БҲХС (IAS) 2 “Захиралар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш. МҲХС талабаларига мувофиқ товар-моддий захирларни ҳисобга олиш бўйича вазивалар ва намунавий вазиятлар. БҲХС (IAS) 23 “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БҲХС (IAS) 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

**Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ  
тушумларни (одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад) ҳисобга олиш**

“Тушум” (Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад) БҲХС -18 нинг мақсади, мазмуни ва асосий қоидалари. Даромадларни ҳисобга олиш. МҲХС талабаларига мувофиқ тушумларни ҳисобга олиш бўйича вазифалар ва намунавий вазиятлар. БҲХС (IAS) 11 “Қурилиш шартномалари” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

**Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот**

БҲХС (IAS) 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” стандартининг мақсади, мазмуни ва асосий қоидалари. МҲХС талабаларига мувофиқ пул маблағларини ҳисобга олиш. БҲХС (IAS) 36 “Активларнинг қадрсизланиши” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

**Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ  
ҳисоботлар шаклини ўзгартириш**

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабаларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоботлари шаклини ўзгартиришнинг назарий асослари. БҲХС (IAS) 21 “Валюта курсларидagi ўзгарishларнинг таъсирлари” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. Бosh ва shu’ba kompaniyalari ҳисоботларини консолидastiyalashtirish. БҲХС (IAS) 28 “Қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МҲХС бўйича ҳисоботни тузишнинг услублари. Молиявий ҳисоботни трансформация бўйича тартибга солиш. Ҳисоботларни шакллантириш ва назорат жараёнлари. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тартиби, унинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси.

### **Молиявий ҳисоботни халқаро даражада уйғунлаштириш ва стандартлаштириш ҳолати, тенденциялари**

Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлаштиришнинг зарурати, шартлари ва эволюцияси. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг моҳияти, таркиби ва ривожланиш истикболлари. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва ҳисоботлари, уларнинг МХХС ва бошқа тизимлар билан фарклари. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари қўмитаси ва унинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлаштиришдаги роли. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тизимининг концептуал асослари – “Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойиллари”. Молиявий ҳисобот элементлари ва асосий баланс тенглиги. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида капиталларни аниқлаш тизими.

### **Молиявий ҳисоботни тартибга солиш ва уни ислоҳ қилиш муаммолари**

Ўзбекистоннинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизими ва унинг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштириш муаммолари. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг услубий ва меъёрий асослари. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан яқинлаштиришга нисбатан таҳлилий кўриб чиқиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ равишда ислоҳ қилиш дастури ва концепцияси. Корхоналарда МХХСнинг мажбурий қўлланилишининг шартлари.

### **Молиявий ҳисобот тақдимоти**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни таркиби ва тузилиши. Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари ва таснифи: баланс, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот. Сегмент маълумотлари, филиаллар тўғрисидаги маълумотлар. Ҳисобот санасидан кейинги воқеалар, тўхтатилган операциялар. Молиявий ҳисоботга, оралиқ молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувларининг тузилиши.

### **Номолиявий активларни тан олиш, ўлчаш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш.**

Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг муаммолари масалалари. 5-БҲМС ва 16-МХХСни таққослаш. Лизинг мажбуриятларини ҳисобга олиш амалиётининг асосий муаммолари. 7-БҲМС ва 38-МХХС бўйича номоддий активлар ҳисобини бирлаштиришнинг асосий муаммолари. Активларни қадрсизланишини ҳисоботда акс эттириш. Қарзлар бўйича харажатларни БҲМС ва МХХС бўйича қиёсий таҳлили. Товар-моддий заҳираларни ҳисобга олишни бирлаштиришнинг

асосий муаммолари.

### **Молиявий активлар ва мажбуриятларни молиявий ҳисоботда акс эттириш муаммолари**

Молиявий инструментадларни ҳисобга олишни тартибга солувчи асосий молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳужжатлари. 32-IAS ва 39-IASнинг амал қилиш доиралари. Молиявий инструментларни ҳаққоний қийматини аниқлаш. БҲМС ва МҲХС бўйича молиявий инструментларни ҳисобга олишни бирлаштиришнинг асосий муаммолари ва трансформация қилиш усуллари.

### **Молиявий натижаларни тан олиш, ўлчаш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш**

Даромадни аниқлаш. БҲМС ва МҲХС бўйича даромадларни ҳисобга олишни бирлаштиришнинг асосий муаммолари ва ўзгартириш (трансформация қилиш) усуллари. Қурилиш шартномалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш. БҲМС ва МҲХСга биноан қурилиш шартномаларини ҳисобга олишни бирлаштиришнинг асосий муаммолари ва ўзгартириш усуллари. Акциядан даромад.

### **Солиқлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш**

Солиқларни пайдо бўлишининг моҳияти ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш зарурати. Молиявий ва солиқ ҳисобида солиқ солинадиган фойдадаги фарқлар. Солиқ активлари (даъволари) ва кечиктирилган солиқ мажбуриятлари. Даромад солиғи ҳисобини БҲМС ва МҲХС бўйича бирлаштиришнинг асосий муаммолари, бирлаштириш усуллари.

### **Консолидациялашган ва якка тартибдаги молиявий ҳисоботларни тузиш**

Консолидациялашган ва якка тартибдаги молиявий ҳисоботлар ҳақида тушунча. Бизнесни бирлаштириш. Консолидациялашган молиявий ҳисобот ва уни тайёрлаш муаммолари. Ассоциацияларга инвестициялар. Қўшма фаолият.

### **Молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш**

Молиявий ҳисобот элементлари. Молиявий ҳисоботни трансформация қилиш босқичлари. Молиявий ҳисобот элементларини МҲХСга трансформация қилиш тартиби. Молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш методикаси.

Иш соҳасини текшириш. Иш соҳасини танлашдаги асосий омиллар. Ўқув стратегиясини ишлаб чиқиш. Фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари.

## **БЮДЖЕТ ҲИСОБИ**

### **Бюджет ҳисобининг ҳуқуқий асослари**

Бюджет ҳисобини тартибга солишнинг қонунчилик тизими. Бюджет ҳисоби субъектлари, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари. Бюджет ҳисоби ахборотлари ва улардан фойдаланувчилар. Бюджет ҳисоби ахборотларини шакллантиришда бюджет таснифининг қўлланилиши. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижросига оид ҳисоботларнинг мазмуни. Бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларининг мазмуни.

### **Бюджет ҳисобининг стандартлари ва уларнинг мазмуни.**

Бюджет ҳисоби стандартларининг мазмуни. Бюджет ҳисоби стандартларининг таркиби. Бюджет ҳисоби стандартларининг асосий мақсади ва қўлланилиш соҳаси. Бюджет ҳисоби стандартлари асосида ҳисоб объектларини тан олиш ва ҳисобда акс эттириш. Бюджет ҳисоби стандартлари асосида ахборотларни ошкор қилиш ва ёритиш.

### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети ижроси ҳисобининг ташкилий - услубий жиҳатлари**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобини ташкил этиш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича бюджет ҳисобида қўлланиладиган ҳисобварақлар ва бухгалтерия баланси. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси бўйича бюджет ҳисобининг ахборот тизимлари ва улардан фойдаланиш.

### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари пул маблағлари ҳисоби**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари пул маблағлари таркиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджети ғазна ҳисобварақлари таркиби ва тузилиши. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджети ғазна ҳисобварақларини очиш ва юритиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджети ғазна ҳисобварақлари бўйича операцияларни ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисобда акс эттириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджети ғазна ҳисобварақларини ёпиш.

### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджети даромадлари ижроси ҳисоби**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ижроси ҳисобини мақсади ва вазифалари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ижроси ҳисобини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларини ҳисобварақлар ҳамда ҳисоб регистрларида акс эттириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

### **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари ижроси ҳисоби**

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларини ижро этиш тартиби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари ижроси ҳисобининг мақсади ва вазифалари. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари ижросини ҳужжатлаштириш. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг аналитик ва синтетик ҳисоби. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатлари ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш.

### **Бюджетлараро муносабатлар ҳамда қарзлар ҳисоби**

Бюджетлараро муносабатлар ва улар ҳисобини мақсади ҳамда вазифалари. Субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар ҳисоби. Бюджет ссудаси ва уни ҳисобга олишнинг хусусиятлари. Бюджет ссудасини ҳужжатлаштириш ва ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар ва улар ҳисобининг хусусиятлари.

## **БАНК ҲИСОБИ**

### **Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиниши**

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни ва уни ташкил этишнинг аҳамияти. Банк ҳисоб-операцион апаратининг тузилиши; бухгалтерия ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалар режалари ва уларнинг тавсифи; банк баланси ва унинг тузилиши.

### **Банк ҳужжатлари ва ҳужжатлар айланиши**

Банк ҳужжатларининг мазмуни, аҳамияти, турлари ва уларнинг тавсифи. Электрон ҳужжатлар ва уларни шакллантириш. Банкларда ҳужжатлар айланишини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби, архивлаштириш. Банк ички назорати, унинг турлари ва аҳамияти, ички назоратни ташкил қилиш, дастлабки назорат, жорий назорат, сўнгги назорат.

### **Банкларда бош ва ёрдамчи китоблар**

Бош ва ёрдамчи китобларнинг мазмуни. Ёрдамчи китоб ва унинг тавсифи, бош китоб ва унинг тавсифи. Бош ва ёрдамчи китобларни текшириш, бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш тартиби.

### **Мижозларга ҳисобварақ очиш ва юритиш тартиби**

Банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари. Банк ҳисобварақларини юритиш бўйича шартнома ва унинг мазмуни. Ҳисобварақларни очиш ва юритиш тартиби. Мижозлар ҳисобварақларини ёпиш ва қайта расмийлаштириш тартиби. Депозит операциялари ҳисобининг ташкил этилиши. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳисоби. Муддатли ва жамғарма депозитлари бўйича операциялар ҳисоби. Мижозларнинг бошқа депозит ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби.

### **Нақд пулсиз ҳисоб – китоб операциялари ҳисоби**

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар моҳияти ва уларни ташкил этиш асослари. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар, тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар; аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар; инкассо топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар, тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб-китоблар, банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоблар, мемореал ордерлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, уларни расмийлаштирилиши ва ҳисобини юритиш. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш истикболлари.

### **Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларнинг ташкил этилиши. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари очилиши ва юритилиши. Электрон тўлов тизими. Банклараро ҳисоб-китобларнинг электрон тўлов тизими орқали ташкил этилиши ва ҳисобга олинishi. Ҳисоб марказлари ишнинг ташкил этилиши. Ягона вакиллик ҳисобварағининг моҳияти, аҳамияти ва юритилиши.

### **Банкларда касса операциялари ҳисоби**

Банкларда касса операцияларини ташкил қилиш, банк кассаларининг турлари.Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати.Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши, ҳисоби ва назорати. Кечки кассаларнинг фаолияти. Пул тушумларини инкассация қилиш тартиби ва ҳисоби. Захирадаги нақд пулларни ҳисобга олиш.Валюта айирбошлаш шаҳобчаларида нақд пуллар ҳисобини юритиш.

### **Банкларда кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби**

Банкларда кредит операциялари ҳисобининг ташкил этилиши. Кредит операциялари бўйича синтетик ва аналитик ҳисобнинг юритилиши.Ссуда ҳисоб варакаларини очиш тартиби. Кредит кредит бериш ва қайтариш операцияларининг ҳисоби. Муддатли ва муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундириш тартиби.

### **Банкларда лизинг ва факторинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби**

Банкларда лизинг операцияларини ташкил этилиши.Лизинг операциялари турлари ва уларни амалга ошириш тартиби.Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши. Факторинг операциялари моҳияти ва уларни ташкил этилиши. Факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби.Факторинг операциялари ҳисобини юритишнинг хусусиятлари, факторинг операцияларининг ҳисоби.

### **Банкларда моддий ва номоддий активлар ҳисоби**

Банк асосий воситаларининг мазмуни ва уларнинг турлари; банк асосий воситаларининг ҳисоби. Амортизация ҳисоблаш усуллари ва тартиби. Асосий воситаларни кирим қилиш, қайта баҳолаш, ижарага бериш, ҳисобдан чиқариш ва фойдаланиш тартиби ҳамда ҳисобга олиниши. Номоддий активлар моҳияти, турлари ва уларни ҳисобга олиш. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби.

### **Банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби**

Банк даромадлари ва уларнинг таркиби.Банкнинг фоизли ва фоизсиз даромадлари, уларнинг ҳисоби. Банк харажатлари, уларнинг таркиби, банкнинг фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларини ҳисобга олиш.Банк фаолияти молиявий натижаларининг ҳисоби.

### **Банкларда солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоби**

Банкнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлари турлари ва уларни ҳисоблаш. Банкларда даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи, экология солиғи, мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ҳисобини юритиш тартиби. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича операцияларни банк бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.

### **Банк бухгалтерия ҳисоботлари**

Банк бухгалтерия ҳисоботларининг аҳамияти ва турлари. Жорий бухгалтерия ҳисоботининг мазмуни. Йиллик ҳисоботнинг мазмуни, уни тузиш ва тасдиқлаш тартиби. Банк кунлик баланси моҳияти ва тузиш тартиби. Тижорат банкарининг молиявий ҳисоботлари. Йиллик банк ҳисоботларини матбуотда эълон қилиш.

### **ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ**

#### **Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари**

